



Абдужаббор Яминов,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
«Ислом тарихи ва манбашунослиги»
кафедраси мудири,
тарих фанлари номзоди

ИБН СИНОНИНГ АХЛОҚҚА ОИД РИСОЛАЛАРИДА АҚЛНИНГ ЎРНИ

Инсоннинг комилликка интилиб яшаши жамият тараққиётининг дастлабки даврлари билан боғлиқ. Жамиятнинг қарор топиши айна чоғда хулқ-атвор нормаларининг қарор топиши ҳамдир. Ушбу ахлоқий нормаларни эса жамият моддий ва маънавий ҳаётининг эҳтиёжлари тақозо этган. Ахлоқ инсон маънавиятининг асосини ташкил этар экан, қадимдан мутафаккирлар бу борада ўз муносабатларини билдириб келганлар. Уларнинг асарларида ижтимоий муносабатларга кенг ўрин берилган бўлиб, ахлоққа ёки ахлоқшуносликка фаннинг бир соҳаси сифатида қаралган.

Илмлар таснифи билан шуғулланган олимлардан бири Абу Али ибн Синонинг (370/980 – 428/1037) таснифида ахлоқ илми фалсафанинг бир қисми ҳисобланади. Унга кўра, фалсафа иккига бўлинади: ҳақиқатни англаш мақсадини кўзловчи назарий фалсафа ва фароғатга эришиш мақсадини кўзловчи амалий фалсафа. Назарий фалсафа илоҳиёт (буни у олий фан, дейди), математика (буни у ўрта фан, дейди) ва табиат ҳақидаги фанлар (буни у қуйи фан, дейди), амалий фалсафа эса ахлоқ (инсон фароғати), иқтисод (оила фароғати) ва сиёсат (давлат фароғати)ни ўз ичига олади. Ушбу таснифдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ибн Синонинг ахлоқ илмига оид қарашлари фалсафий қарашларининг таркибий қисмини ташкил қилади.

Ибн Синонинг илмий салоҳияти ва фанлар ривожига қўшган ҳиссаси қай даражада кенг қамровли эканини билиш учун унинг ёзган асарлари рўйхатигагина назар ташлаш kifoya. Олимнинг илмий мероси республикамизда бир неча йиллардан бери ўрганиб келингани билан фақатгина табобатга оид асарлари тадқиқ этилган. Ўзбекистондан ташқарида ҳам у асосан, табиб сифатида танилган бўлса-да, фалсафа, мантик, тафсир, илоҳиёт, тилшунослик, адабиёт, физика, кимё, фалакиёт каби фаннинг бошқа соҳаларидаги хизматлари ҳам беқиёсдир.

Ахлоқ илми ёки ахлоқшунослик Ибн Сино илмий меросининг алоҳида бир жиҳати бўлиб, бу борада у «Рисала фи-л-ахлоқ» («Хулқлар ҳақида рисола»), «Фи тазкият ан-нафс» («Нафсни покиза тутиш ҳақида») ёки «Ал-аҳд» («Бурч»), «Тадбир ал-манозил» («Турар жойларни бошқариш чо-

ралари»), «Сиёсат ал-бадан» («Баданни бошқариш»), «Китоб ал-инсоф» («Адолат китоби»), «Китоб ал-бирр ва-л-исм» («Яхшилик ва ёмонлик ҳақида китоб») каби асарлар муаллифидир.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида Ибн Сино қаламига мансуб, ахлоқ илмига оид номлари зикр қилинган асарларнинг аксари сақланади. Уларда саховат, қаноат, сабр, ҳалимлик, бағрикенглик, кечиримлилик, узрни қабул қилиш, афв этиш, қўли очиқлик, сирни ошкор этмаслик, донолик, зийраклик, фикри тўғрилик, эҳтиёткорлик, ростгўйлик, вафодорлик, раҳмдиллик, меҳр-муҳаббатли бўлиш, ҳаё, олийжаноблик, аҳдга вафодорлик ва камтарлик каби фазилатлар ўзига хос равишда илмий нуқтаи назардан шарҳланади. Масалан, кечиримлилик, узрни қабул қилиш, афв этиш бир-бирига яқин, ҳатто синоним сўзларга ўхшагани билан Ибн Сино таърифида ҳар бирининг ўз мавқеи борки, уларни фақат ўз ўрнида ишлатиш мақсадга мувофиқ.

«Рисала фи-л-ахлоқ»да муаллиф ёзишича, «...ўз шахсига эътиборли кишигина ўзини ахлоқий фазилатлар билан безантириши мумкин». Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ахлоқсизлик нафақат оила ва жамиятга, балки ўзига эътиборсизлик, ўзини ҳурмат қилмасликдир. «Фазилатларга эса уларга эга бўлиш йўлини *билиш* орқали эришилади». «Кишига ўз назарий қувватини саноқли илмлар билан тўлдириши, амалий қувватини эса асослари иффат, жасорат, ҳикмат ва адолатдан иборат, ҳар бири ўз қувватига эга бўлган фазилатлар билан мукамал қилиши шарт бўлади». Олим айтмоқچики, барча мақталган фазилатлар мазкур тўрт асоснинг таркибида намоён бўлади ва улар ўз навбатида қувватларга мансуб бўлади. Унинг фикрича, иффат, қаноат ва саховат инсоннинг хоҳишни бошқара олиш қуввати (*قوة شهوانية*)дан келиб чиқадиган сифатлар. Яъни хоҳишни бошқара олиш қуввати заиф кишида иффат, қаноат ва саховат каби фазилатлар намоён бўлмайди. Жа-

сорат, сабр, ҳалимлик, бағрикенглик, кечиримлилик, тоқатлилик, иродаси мустаҳкамлик, ўз ғазабини боса олиш, сирни яшира билиш эса ғазабни бошқара олиш қуввати (*قوة غضبية*)дан келиб чиқади. Фақат ғазабни бошқара олиш қуввати кучли инсонларгина айтиб ўтилган сифатларга эгадирлар. Ҳикмат, илм, баён, фаросатлилик, зеҳни ўткирлик, эҳтиёткорлик, ростгўйлик, вафо, раҳмдиллик, ҳаё, олийжаноблик, камтарлик эса фарқлай олиш қуввати (*قوة تمييزية*)дан келиб чиқадиган сифатлардир.

Адолатга уларнинг ҳар бирининг турларига ўхшаш ёки улардан таркиб топган, уларнинг асос ва тармоғидан фойдаланилган ҳолдаги йиғинди киради. Ибн Синонинг фикрига кўра, ахлоқ фалсафанинг амалий қисмига оид бўлгани билан у ўз-ўзидан рўёбга чиқмайди, балки *ақл*нинг бошқарувига боғлиқдир. Олим таълим-тарбия, илм-фан, яхши хулқ-одоб қоидаларини эгаллаш ҳақида сўз юритаркан, *ақлга* асосланган (рационал) мавқени тутганига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Ибн Синонинг фикрича, инсон сабрга нафақат унинг бошига салбий ҳолатлар тушганида, балки бирор муродига етиши учун ҳам муҳтож:

«Сабрга келсак, у – инсонга укубат ва ёмонлик етганида қувватини тутиб турмоқ ва унга тоқат қилишни *ақл*нинг ҳукмига топширмоқ ёки интилиб, истаб турган нарсасининг муҳаббати ғолиб келганида нотўғри усулда унга етишишдан эҳтиёт бўлишни *ақл*нинг ҳукмига топширмоқдир».

«Илм нарсаларни инсоний *ақл* нуқтаи назаридан шундай идрок этишки, унга хато ва янглишиш қўшилмасин. Агар у аниқ ҳужжатлар ва ҳақиқий далиллар билан бўлса ҳикмат дейилади».

«Баён эса – ўз фикрида яширинган маъноларни, уларнинг хаёлдаги ёки *ақлдаги* кўринишини хитоб қилинаётган кишининг онгида акс эттиришга гўзал суратда эришишдир».

Иффат луғатда ҳаё, ибо каби сўзларнинг маъносига яқин, кўпинча аёлларга нисбатан қўлланиладиган сифат бўл-

са-да, Ибн Сино мазкур сўзнинг маъносини анча умумийроқ ва кенгроқ тушунтиради: «Хоҳишни бошқара олиш қувватига мансуб бўлган иффат нафақат ҳиссий хоҳиш турларидан [ҳисобланган] ейиш, ичиш ва аёллар [га муносабат]нинг ёмонларидан ва улардан бирига берилиб кетишдан тийилиш, балки, улар [га бўлган хоҳиш]ни бўйсундириш ва уларга соғлом фикр асосида муносабатда бўлишдир».

«Фаросат, зеҳни ўткирлик – сезгилари келтирган нарсанинг ҳақиқий маъноларини ўта тез *англай олиш*дир».

«Фикри тўғрилиқ – ўз раъйи ва мулоҳазаси унинг ечимида ўзгариб, иккиланиб турган ишларнинг натижасини олдиндан кўра билишда кишининг *fikr* шу даражада тўғри бўлмоғики, токи шу ўринда фойдаланиш мумкин бўлган нарсаларнинг энг тўғриси ола билсин».

«Ростгўйлик – кишининг ифода аъзо-си бўлган тил билан қалбдаги нарсани шундай бириктиришки, токи ўша нарса тилда йўқ, ниятда мавжуд ва ниятда йўқ, тилда мавжуд бўлиб қолмасин, агар шундай бўлса, бу билан ишлар ўз моҳиятидан йироқлашиб, тушунчаларни улар тааллуқли бўлган нарсалардан маҳрум қилади».

«Фи тазкият ан-нафс» рисоласида ростгўйликка қуйидагича таъриф берилади:

«Ростгўйлик фақат тилнинг иштирокидагина билинадиган фазилатгина эмас, балки қалбда асли-асоси намоён бўлиб, *хаёл, идрок, фикр* ва *хотира* ҳам уни тасдиқлаб турадиган сифатдир».

Ибн Синонинг ёзишича, инсонда яна шундай сифатлар бўладики, улар меъёрга амал қилингандагина фазилат ҳисобланади, меъёрни эса *ақл* назорат қилади. Мазкур сифатлар суиистеъмом ҳамда масъулиятсизлик каби икки нуқсоннинг ўртасидаги сифатлардир. Масалан, «саховат – бахиллик ва исрофгарчилик ўртасидаги, адолат – золимлик ва мазлумлик ўртасидаги, қаноат – очкўзлик ва етарли миқдорга эга бўлишга эътиборсизлик ўртасидаги, шижоат – қўрқоқ-

лик ва ўйламай-нетмай ўзини ўтга-чўққа уриш ўртасидаги сифатдир».

Муаллиф назарида фазилатларга интилиш аслида инсон табиатига мос бўлиб, «...ҳар бир шахс ўзининг туғма ички қуввати жиҳатидан яхши хулқли бўлишга ва чиройли амаллар қилишга мойилдир». «Унинг табиати [нопок нарсалар] аралашмаган, софдир». Ибн Синонинг ислом илмларида ҳам ўзига хос салоҳиятга эга бўлганини эътиборга олсак, бу ерда у Имом Бухорий ривоят қилган «Хар бир бола соғлом табиатда туғилди» («...ما من مولود الا يولد على الفطرة») ҳадисига ишора қилганини англаш қийин эмас.

«Инсонга зарур бўладиган нарса – айтиб ўтилган фазилатларни ҳосил қилиш ва улардан ҳар бирининг акси бўлган нуқсонлардан эҳтиёт бўлишдир». Ибн Сино ахлоқий фазилатларнинг ўзи билан кифояланмай, инсонда учраши мумкин бўлган салбий жиҳатларга ҳам тўхталади. Чунки кишида фазилатлар бўлмас экан, уларнинг ўрни бўш қолмайди, балки нуқсонлар билан тўлади. Муаллифнинг ёзишича, нуқсонларнинг энг бошида «жоҳиллик» туради. «Четланиш зарур бўлган нуқсонлар айтиб ўтилган фазилатларнинг тескарисини бўлиб, улар: ҳасад, кек сақлаш, ҳалимлик ва ҳаёнинг акси бўлмиш ноҳақ ўч олишга шошилиш, вайсақилиқ, сўкиш, ҳақорат, чақимчилик, бетамизлик, ёлғончилик, сабр билан етишиш мумкин бўлган нарсага нисбатан тўқима ҳийла ишлатиш, кўнгли торлик, лаёқатсизлик, сирни ёйиш ҳамда фарқлай олиш қувватига мансуб фазилатларнинг буюкларидан бўлмиш илмнинг акси ҳисобланган, нуқсонларнинг энг каттаси бўлган жоҳилликдир».

Дарҳақиқат, Ибн Сино қолдирган илмий мерос, мана неча асрлардирки, нафақат Шарқда, балки бутун дунё мамлакатларида ўрганилди, маълум ва машҳур бўлди, қайта-қайта нашр этилди. Бу жараён ҳозир ҳам тўхтовсиз давом этмоқда. Унинг ахлоқ, маънавий-руҳий тарбия масалаларига доир қарашлари ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини сақлаб келмоқда ва бу ғоялар ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.